



01-05/2-5694-sonli 06.10 2022-yil

**Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори ўринбосари
Т. Хайдаровга**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2022 йил 22 сентябрдаги 03-09/4339-сонли тақдимномасига жавобан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан “Тошкент политехника техникуми” биносини жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz/> махсус электрон ахборот порталига 2022 йил 31 август куни 145916-сонли лот эълонга берилган бўлиб, ушбу танловда 4 та иштирокчи ўз тижорат таклифлари билан иштирок этган.

Танловда “D-Inex” МСНЖ, “Art geodesy project” МСНЖ, “Lotus Art” МСНЖ ва “Erd Project” МСНЖлар Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz/> махсус электрон ахборот портали орқали ўз тижорат таклифларини тақдим этган ва иштирокчилар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифни танлаш орқали танлов ўтказилган.

Юқорида келтирилган тақдимномада танлов эълонига оид маълумот ва хужжатларни ўрганиш жараёнида давлат харидларига тегишли қонун ва талабларга риоя этилмаганлиги кўрсатилган, жумладан:

1. “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига зид равишда танлаш иштирокчиларга танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, иштирокчиларнинг таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби, танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл

қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаблар киритилмаган” деб кўрсатилган.

- Университет томонидан танловда иштирок этиш хужжатлари қоидаларига техник топшириқ ва техник хужжатларга қўйиладиган талаблар ҳамда саволлар вужудга келса, аниқлик киритиш учун университет масъул ходими алоқа телефон рақамлари киритилган.

Мазкур танлов талабларига аниқлик киритиш мақсадида “Erd Project” МСНЖ томонидан солиқ карздорлиги, иштирокчиларнинг тажрибасини баҳолаш мезонлари белгилаш тартиби тўғрисида, “Art geodesy project” МСНЖ томонидан умумий маълумотда кўрсатилган солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумот, талабгор иштирокчиларга mehnat.uz сайтидан юкланиши лозим бўлган хужжатлар юзасидан келиб тушган саволларга университетнинг масъул ходимлари томонидан кўрсатилган алоқа телефонларига қўнғироқ қилинган ва уларга тушунтиришлар берилган.

- Танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz/> махсус электрон ахборот порталига юкланган ҳамда комиссия раиси томонидан тасдиқланган “Энг яхши таклифларни хужжатлаштириш” (Документация по отбору наилучшего предложения) талабларининг “Порядок и критерии квалификационного отбора участников и оценки предложений” бўлимида техник талабларга 80 балл ва нарх таклифига 20 балл мезонлари асосида баҳоланиши кўрсатилган бўлиб, барча мезон талаблари 5 та жадвал асосида юкланган;

- Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаблар ҳозирда эълонга берилаётган танловларда мажбурий талаб сифатида киритилган.

2. “Харид комиссиясининг йиғилиш баёни 3-мезон бўйича (Опыт работы участника на выполнение аналогичных работ (последние 3 года) “Art geodesy project” МСНЖ га 30 балл, ҳудди шу банд бўйича “Lotus Art” МСНЖ га 20 балл камайтирилган ҳолда, 15 балл бўлса-да, мазкур ҳолатда “Lotus Art” МСНЖ нинг таклифи камайтирилиши бирон-бир харид хужжатида аниқ мезон асосида асослантириб берилмаган” деб кўрсатилган.

- 3-мезон бўйича баҳоланиш тартиби талабгор иштирокчилар томонидан мезон талаблари асосида тақдим этилган (юкланган) ҳужжатларнинг мавжудлиги, мавжуд ҳужжатларни тасдиқловчи маълумотлар мавжудлиги ҳамда барча мезон талабларига асосан тақдим этилган ҳужжатлар иштирокчиларнинг бир-бирига нисбатан салоҳиятини солиштирган ҳолда баҳоланишини назарда тутди.

Юқорида кўрсатилган “Art geodesy project” МСНҲга 30 балл, худди шу банд бўйича “Lotus Art” МСНҲга 20 балл камайтирилганлиги сабаби Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz/> махсус электрон ахборот порталида “коментария” ёки бошқа бўлимларида изоҳлар қолдиришнинг техник имконияти йўқлиги сабабли аниқлик киритилмаган. “Lotus Art” МСНҲ тақдим этган (Опыт работы участника на выполнение аналогичных работ (последние 3 года) ҳужжатларида 3 йил давомида бажарган ишлар рўйхатини юклаган бўлиб, бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар, яъни танлов ҳужжатларининг 5-мезонида талаб қилинган шартномалар, ҳисоб-фактуралар, далолатномалар йўқлиги сабабли мазкур иштирокчининг бали камайишига сабаб бўлган.

3. “Танлаш бўйича (лот рақами 145916) овоз бериш жараёнида харид комиссиясининг тўққиз нафар аъзоси битта компьютерга тегишли IP-манзилдан (185.211.130.110) фойдаланганлиги аниқланди. Бу эса, ўз-ўзидан харид жараёнида қонун талабларига тўлиқ риоя қилинганлигини асосли равишда шубҳага қўяди” деб кўрсатилган.

- Танлов бўйича овоз бериш жараёнида харид комиссиясининг тўққиз нафар аъзоси битта компьютердан фойдаланмаганлигини, харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзига тегишли бўлган хизмат хонасида жойлашган компьютерлардан фойдаланган ҳолда овоз берганлигини маълум қиламиз. Битта компьютерга тегишли (185.211.130.110) IP-манзилдан фойдаланганлигига университетнинг ахборот технологиялари маркази ходимлари ҳулосасига асосан маълум қиламизки, университет интернетга боғланиш учун 1 та провайдер билан шартнома тузган бўлиб, ушбу провайдер 185.211.130.110 сонли IP-манзилни университетга тақдим этган ва университетда мавжуд барча 1400 дан ортиқ компьютер ва бошқа қурилмаларнинг барчасини IP-манзили 185.211.130.110 эканлигига аниқлик киритилди.

4. “Институтнинг харид комиссияси томонидан лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан ўтказилган танлаш бўйича “Art geodesy project” МСНЈнинг 45,0 млн. сўмлик таклифи ғолиб деб топилиб, бошқа иштирокчи “Lotus Art” МСНЈнинг 40,0 млн. сўмлик ёки 5,0 млн. сўмга арзонроқ билдирган таклифи молиявий маблағлардан фойдаланишининг оқилоналиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши ёки харид хужжатларида айнан “Art geodesy project” МСНЈ томонидан билдирилган таклиф мақбуллиги асослантирилмаган” деб кўрсатилган.

- Танлов жараёнида иштирокчилар томонидан таклиф этиладиган нарх қийматини комиссия аъзолари томонидан олдиндан кўра билиш имконияти мавжуд эмас. Талабгор иштирокчиларнинг тижорат таклифлари техник талаблар мезонлари асосида баҳолангандан сўнг, нарх қиймати автоматик равишда Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz/> махсус электрон ахборот портали томонидан автоматик тарзда ҳисобга олинишини маълум қиламиз. Шунингдек, “Art geodesy project” МСНЈнинг 45,0 млн. сўмлик таклифи билан ғолиб деб топилгани ва “Lotus Art” МСНЈнинг 40,0 млн. сўмлик ёки 5,0 млн. сўмга арзонроқ тижорат таклифи билан ғолиб бўлмаганлиги сабаби, юқорида кўрсатилганидек, “Lotus Art” МСНЈ тажриба талабларида тасдиқловчи хужжатлар тақдим этмаганлиги туфайли техник талаблар бўйича тўплаган баллари “Art geodesy project” МСНЈ нисбатан пастлиги боис “Lotus Art” МСНЈ ғолиб деб топилмаган.


Шу билан бир қаторда, Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан ўтказилган мазкур танлов натижаси юзасидан танловда иштирок этган корхона ва ташкилотлар томонидан ҳеч қандай эътирозлар йўқлиги маълум қилинган.

Илова: “ 4 ” варақ.

Ректор



К. Шарипов



"ERD PROJECT"

Общество с ограниченной ответственностью

город Ташкент Юнусабадский район, П-4 дом 18, кв.37, телефон 97 111-07-09 р/с 2020 8000 3006 8688
2001 в ЧАКБ « DAYR BANK » Яккасарайский филиал МФО: 01069,
ИНН: 304 401 834, ОКЭД 71110

№ 105

«23» 09 2022 йил

**“Ташкентский государственный
экономический университет”**

бахолаш комиссиясига

Мурожат хати

Сизнинг 2022 йил 31 августь etender.uzex.uz сайтида жойлаштирилган лот №145916 рақами билан Лойиҳа-қидирув ишлари бажариш буйича” куйилган баҳолаш мезонлари хақида маълумот берамизки:

- Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларига риоя этилганлиги;
- Президентимизнинг очиклик ва шаффовликни таъминлаш сиёсатларига амал қилган ҳолда, ушбу тендер танловини адолатли ва ҳар томонлама қонун доирасида утганлиги;
- Буюртмачининг бирорта харид тартиб-таомилларини бузиш ҳолати булмаганлигини;
- Бизга қуйилган баҳоларни ҳаққонийлигини, танловнинг 1-талаби буйича четлаштирилганимизнинг сабаби сифатида мажбуриятни уз зиммамизга олишимизни маълум қиламиз:

«ERD PROJECT» МЧЖ

Рахбари



Займонов Р.Д



№ 72


«23» сентябр 2022 й

**Тошкент Давлат Иқтисодиёт
Университети танлов комиссиясига**

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети томонидан <https://etender.uzex.uz/> давлат харидлари махсус электрон сайтида “Политехника техникумини мукамал таъмирлаш” объекти бўйича Лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун 31.08.2022 йил қўйилган 145916 – сонли лотда қатнашдик.

Натижада бизнинг корхонамиз айрим критериялар билан танловда керакли миқдорда балл тўплай олмади. Танлов баҳолаш комиссиясига мутлоқо эътирозимиз йўқ. Келажакда электрон танловларда яна ишртोक этиб, голиблар қаторида бўлишга умид қиламиз

Бош директор



Б.А.Файзуллаев

г. Ташкент, Шайхантахурский район, улица Абдулла Кодирий, дом №1А,
P/c: 2020 8000 4055 2266 2001, ОПЕРУ при ЧАКБ «Orient Finans», МФО: 01071,
ИНН: 309 501 682, ОКЭД: 41100.

№ 23 24.09.2022 йил.

Тошкент ш.

**Тошкент давлат иқтисодиёт
университети танлов комиссиясига**

(нусахаси: Ўзбекистон Республикаси коррупцияга
қарши курашиш агентлигига)

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан <https://etender.uzex.uz/> давлат харидларининг махсус электрон сайтида «Капитальный ремонт Ташкентского политехнического техникума» биноситаъмирлаш юзасидан смета хужжатларини тайёрлаб бериш бўйича 31.08.2022 йил эълон қилинган 145916 сонли лотга бизнинг корхонамиз иштирокчи сифатида ўз таклифлари билан қатнашди.

Юқоридаги лот натижасининг баённомаси <https://etender.uzex.uz/> махсус электрон сайтида 14.09.2022 йил бириктирилди, баённомага натижасига кўра 145916 лотида 4 та талабгор иштирок этганлиги ва иштирокчиларнинг тақдим этган таклифлари тўлиқ кўрсатилган ва хар бир таклифлар белгиланган мезонлар бўйича баҳоланган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан <https://etender.uzex.uz/> махсус электрон сайтида «Капитальный ремонт Ташкентского политехнического техникума»ни жорий таъмирлаш бўйича смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун 31.08.2022 йил эълон қилинган 145916 сонли лот натижаси юзасидан, айнан бизнинг корхонамиз томонидан тақдим этилган хужжатларни баҳоланишига нисбатан кўйилган баллардан норозилигимиз йўқ.

«D-INEX» МЧЖ

директори



Алижонов З.М.



“24” сентябр 2022

№ 22

Гулистон ш.

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети
танлов комиссиясига**

**Нусхаси: Ўзбекистон Республикаси коррупцияга
қарши курашиш агентлигига**

“ART GEODESY PROJECT” МЧЖ шуни маълум қиладики Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан <https://etender.uzex.uz/> давлат харидларини махсус электрон сайтида “Капитальный ремонт Ташкентского политехнического техникума” объект юзасидан смета хужжатларини тайёрлаб бериш бўйича 31.08.2022 йил эълон қилинган 145916-сонли лотга бизнинг корхонамиз иштирокчи сифатида ўз таклифларимиз билан қатнашдик.

Юқоридаги лот натижасининг баённомаси <https://etender.uzex.uz/> махсус электрон сайтида 14.09.2022 йил бириктирилди, баённомага натижасига кўра 145916 лотида 4 та талабгор иштирок этганлиги ва иштирокчиларнинг такдим этган таклифлари тўлиқ кўрсатилган ва хар бир таклифлар белгиланган мезонлар бўйича баҳоланган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан <https://etender.uzex.uz/> махсус электрон сайтида «Капитальный ремонт Ташкентского политехнического техникума» объектини жорий таъмирлаш бўйича смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун 31.08.2022 йил эълон қилинган 145916-сонли лот натижаси юзасидан, айнан бизнинг корхонамиз томонидан такдим этилган хужжатларни баҳоланишига нисбатан кўйилган баллардан норозилигимиз йўқ.

«ART GEODESY PROJECT» МЧЖ раҳбари:



Саякулов С.